

**Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг
2022 йилдаги фаолияти тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

I. Ташкилий–ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш соҳасида

Агентлик томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда коррупция омилларини бартараф этишга қаратилган **13 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда қабул қилинди.

2 та Ўзбекистон Республикаси қонуни

1. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ–786-сон Қонун (2022 йил 3 август);

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215⁷-модда билан тўлдирилиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

2. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ–788-сон Қонун (2022 йил 8 август)

Унда: Давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, мажбуриятлари, чекловлар ҳамда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланди.

3 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони

1. “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги 101-сон фармон (2022 йил 9 апрель);

Унда: 2022 йил 1 майдан бошлаб Давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилди. Ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмаслиги талаби белгиланди.

2. “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 122-сон фармон (2022 йил 27 апрель);

Унда: Божхона органларида халқаро стандартларга мувофиқ комплаенс назорат тизимини тўлақонли ишга тушириш, кадрларни очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида танлаш ҳамда танлов жараёнларининг натижалари Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида эълон қилиб борилишини таъминлаш ҳамда божхона органлари ходимларининг даромадлари ва мол-мулкни декларациялаш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

3. “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сон фармон (2022 йил 14 июнь).

*Унда: Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индекси** жорий этилди.*

2 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори

1. “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 81-сон қарор (2022 йил 12 январь);

Унда: Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** тизими жорий этилди.

2. “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сон қарор (2022 йил 11 май);

Унда: Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича «**E-Antikorrupsiya**» лойиҳаси ишга туширилди.

3 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори

1. “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарор (2022 йил 20 май);

Унда: Давлат харидларини электрон шаклда ўтказиш **шартлари**, бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни **ошкор қилиш**, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш **тартиби** ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги Шартномаларнинг **ягона реестрини** юритиш қоидалари белгиланди.

2. “2022 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 140-сон қарор (2022 йил 26 март);

Унда: 2022 йилда ижтимоий таъминот, молия, кредит, банк ва тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва божхона соҳаларидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа жадваллари тасдиқланди.

3. “Давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 734-сон қарор (2022 йил 31 декабр).

Унда: Давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга оширишнинг асосий талаблари белгиланди. Мисил учун, электрон тизим операторлари электрон тижорат ва ахборот технологиялари соҳасида камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган камида икки нафар малакали ходим ҳамда Call-марказ мавжуд бўлиши лозим.

3 та Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат

1. “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 41-сон буйруғи (3368-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) (2022 йил 13 май);

2. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлигининг қарори (3383-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) (2022 йил 31 август);

3. “Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2-сон буйруғи (3407-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) (2022 йил 28 декабр).

II. Мурожаатлар билан ишлаш йўналишида

Агентликка **2022 йилда** жами **2234 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **2219 таси** кўриб чиқилиши таъминланган, ҳозирда **15 та** мурожаат кўриб чиқилмоқда.

Шундан, **88 та** мурожаат ижобий ҳал этилган, **817 та** мурожаатга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериш орқали қаноатлантирилган, **2 тасининг** ижобий ечими юзасидан Агентликка ташаккурнома билдирилди, **63 та** мурожаат аноним деб топилган, **26 та** такрорий мурожаат кўриб чиқилиши белгиланган тартибда тугатилган, **5 та** мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **1220 та** мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли вазирлик ва идораларга йўналтирилган.

Келиб тушган мурожаатларнинг **1919 таси** жисмоний шахслардан, **315 таси** юридик шахслардан, **1565 таси** ёзма, **306 таси** электрон, **363 таси** оғзаки кўринишда, шундан, **103 таси** Агентлик раҳбариятининг шахсий қабулида, **75 таси** масъул ходимларнинг қабулида, **185 таси** Call марказ орқали келиб тушган.

Агентликка келиб тушаётган мурожаатларнинг аксариятида суд-ҳуқуқ соҳасидаги муаммолар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва турли соҳаларда коррупциявий ҳолатларнинг юз бераётганлиги тўғрисида ёзилган мурожаатлардан иборатдир. Жумладан, Агентликка кўйидаги соҳа ва йўналишлар бўйича мурожаатлар келиб тушди:

- суд қарорларидан норозиликлар **229 та** (10,2%), шундан:

ЖИБ суд қароридан 120 та;

ФИБ суд қароридан 59 та;

Иқтисодий суд қароридан 24 та;

Маъмурий суд қарорларидан 20 та;

Ҳарбий суд қароридан 6 та.

- таълим соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича **184 та** (8,0%), шундан;

94 та Халқ таълими соҳасида;

48 та Олий таълим соҳасида;

42 та Мактабгача таълим соҳасида.

- давлат харидлари ва тендер савдолари жараёнидаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича **160 та** (7,0%);

- ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норозиликлар **134 та** (5,8%) ва ҳоказо.

Тошкент шаҳар бўйича **668 та**;

Тошкент вилояти бўйича **260 та**;

Қашқадарё вилояти бўйича **200 та**;

Самарқанд вилояти бўйича **165 та**;

Наманган вилояти бўйича **132 та**;

Фарғона вилояти бўйича **128 та**;

Бухоро вилояти бўйича **100 та**;

Сурхондарё вилояти бўйича **95 та**;

Андижон вилояти бўйича **93 та**;

Навоий вилояти бўйича **89 та**;

Жиззах вилояти бўйича **83 та**;

Сирдарё вилояти бўйича **78 та**;

Хоразм вилояти бўйича **68 та**;

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича **67 та**

Чет эл фуқароларидан **4 та** мурожаат келиб тушган.

Шунингдек, Агентлик вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўрсатиб ўтилаган коррупциявий ҳолатлар ва уларни келтириб чиқараётган омилларни **таҳлил қилиш орқали** муаммоларга ечим топиш, мавжуд тартиб-таомилларни ўзгартиришни (*рақамлаштириши, соддалаштириши, тугатиши кабиларни*) назарда тутувчи ҳамда қонунчиликни янада **такомиллаштириш бўйича таклифлар** ишлаб чиқилиб, Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши йиғилишида муҳокама қилинди ҳамда тегишли “Йўл харита” тасдиқланди. Мазкур “Йўл харита” ижроси юзасидан вазирлик ва идоралар томонидан тегишли вазифалар амалга оширилиши таъминланди.

Ш. Давлат харидлари соҳасида қонун талабларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган ўрганишлар

Агентлик томонидан коррупциявий омилларни келтириб чиқарувчи соҳалар ва йўналишлар бўйича мунтазам равишда ўрганиш ва мониторинг тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, 2022 йилнинг 1 январдан бошлаб, барча давлат харидлари (*энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиши*) тартиб-таомилларини мажбурий тартибда **электрон шаклда** ўтказилиши жорий қилинди;

- давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун **маъмурий жавобгарлик** белгиланди (*МЖтК 175⁸-модда*);

- давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда **очик эълон** қилиш йўлга қўйилди;

- давлат харидлари доирасида тузиладиган шартномаларда акс эттирилиши лозим бўлган **коррупцияга қарши шартлар** ишлаб чиқилиб, харид

иштирокчилари ўртасида тузиладиган шартномаларга тадбиқ этилди.

Ўтказилган мониторинг, таҳлил ва ўрганишлар натижалари бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан **129 та** (2021 йил 373 та) **тақдимномалар** киритилди.

Хусусан, **давлат харидлари** бўйича **119 та тақдимнома** бўйича **360,9** млрд.сўмлик хато ва камчиликлар ва **10 та бошқа** ҳолатлар, жумладан:

- **масофавий мониторинг** натижасида 68 та **107,6** млрд сўмлик;

- мурожаатлар асосида 29 та **214,1** млрд.сўмлик;

- **ОАВ ва ижтимоий тармоқларда** эълон қилинган мақолаларни ўрганиш орқали 8 та **26,1** млрд сўмлик;

- жойларда **ўтказилган ўрганишлар** якуни билан 9 та **13,3** млрд сўмлик хато ва камчиликлар юзасидан **тақдимномалар** киритилган.

Бундан ташқари, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат харидларининг ўтказилиши ва давлат дастурларининг бажарилиши, имтиёзли банк кредитларининг мақсадли ишлатилиши, фуқаро ва тадбиркорларнинг мурожаатлари ва бошқа ҳолатлар юзасидан ўтказилган ўрганишлар ва мониторингларда бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, ҳуқуқий баҳо беришлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга **174 та** (2021 йил 110 та) **сўровномалар** юборилди.

Мазкур сўровномалар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан **30 дан ортиқ жиноят ишлари** (2021 йил 49 та), **70 дан ортиқ маъмурий** (2021 йил 24 та) ва **15 дан ортиқ интизомий** (2021 йил 10 та) **ишлар** кўзғатилган.

2022 йилда **давлат харидлари** бўйича киритилган **119 та** ҳолатдаги қонунбузилишларнинг **67 тасида** (2021 йил 73 та) (63,8 млрд.сўм) ёки **56,3 фоизида** давлат харидида иштирок этган субъектлар ўзаро аффилиланганлиги ёки комиссия аъзоси билан иштирокчи ўртасида аффилиланганлиги ҳолатлари аниқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги “**Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида**”ги 103-сон Қарорда давлат бошқарув органлари ходимлари, давлат банки раҳбарлари **тадбиркорлик фаолияти билан** шуғулланиши тақиқланган.

Шунингдек, 2022 йил 8 август куни кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**”ги Қонуннинг 13-моддасида давлат фуқаролик хизматчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги қоида белгиланган.

Ушбу қонунчилик талабларига ҳудудлардаги давлат хизматчилари томонидан риоя этилиши Агентлик томонидан тизимли равишда ўрганиб келинмоқда.

Жумладан, 2022 йил давомида Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида давлат хизматчилари томонидан **тадбиркорлик фаолияти** билан шуғулланиб келинаётганлиги ҳолатлари жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, ушбу вилоятларда жами **1 625 нафар** давлат хизматчилари (**155 нафари ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари, 161 нафари банк**

бошқарувчиси ва уларнинг ўринбосарлари, 1309 нафар ҳоким ёрдамчилари) давлат хизмати билан бирга *(раҳбар ёки таъсисчи сифатида)* тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларига тегишли **тақдимномалар** киритилди ҳамда давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига чек қўйиш бўйича чоралар қўрилди.

IV. Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимининг жорий қилиш йўналишида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган (ПҚ-5177-сон қарор ижроси доирасида)**

Шунга кўра, **2022 йилнинг 30 декабрь ҳолатига 117 та** (2021 йил 91 та) давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан банкларда **1520 нафар** штат бирликларидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиши таъминланди.

Агентлик томонидан халқаро стандартлар асосида ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи **10 та** идоравий ҳужжатлар ва **4 та** услубий – методологик қўлланмалар ишлаб чиқилиб, барча давлат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятига тадбиқ этилди.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** тизими жорий қилинди (ПҚ-81-сон қарор ижроси доирасида).

Ушбу тизим доирасида дастлаб эксперимент тариқасида **24 та давлат ташкилотининг** фаолияти баҳоланди.

Маълумот учун: Баҳолаш натижаларига кўра, **24 та** давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 балгача рейтингда баҳоланиб, **3 та** ташкилот фаолият самарадорлиги **“яхши”** – (81-100 балл), **10 та** ташкилот **“қониқарли”** – (55-80 балл) ва **11 та** ташкилот **“қониқарсиз”** – (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди. Масалан, Қурилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Бўка ва Мирзо Улугбек тумани ҳокимликлари фаолияти қониқарсиз баҳоланди.

2022 йил 1 июлдан бошлаб рейтинг баҳолаш тизими бошқа давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига тадбиқ этила бошланди.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш доирасида:

а) “E-Anticor.uz” электрон платформаси ишга туширилиб, рейтинг баҳолаш тўлиқ ушбу платформада амалга оширилди;

б) ОАВда қарор мазмун-моҳиятини ёритишга қаратилган 24 та тарғибот тадбирлари ташкил этилди;

в) 84 та давлат ташкилотларнинг масъул ходимлари учун рейтинг баҳолаш юзасидан **семинар-тренинг** (ўқитиш) ўтказилди;

г) Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи **экспертлар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш** тартиби тасдиқланди;

е) Баҳолаш жараёнида фойдаланиш учун **рейтинг баҳолаш услубиёти** ишлаб чиқилди.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича **«E-Antikorrupsiya»** лойиҳаси амалга оширилмоқда (*ПҚ-240-сон қарор ижроси доирасида*).

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, **«E-Antikorrupsiya»** лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

а) 63 та давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзларининг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарлар мажбурий равишда баҳоланмоқда;

б) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида **«Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»** юритилади (*2023 йил март ойидан*).

в) «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри» Агентлик интернет тармоғида очик эълон қилиб борилиши таъминланади.

Давлат ташкилотлари томонидан уларга юклатилган ҳар бир функциядаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган **“Давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти”**га мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, давлат органлари ва ташкилотлари тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар натижасида 2022 йил декабрь ҳолатига кўра, **20 та** давлат ташкилоти ва **1 та** хусусий банк **“Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими”** бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатиغا эга бўлди.

- **Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан вазирлик ва идораларда 90 дан ортиқ ўқув семинарлари, тренинглари ва давра суҳбатлари ташкил этилди**

V. Капитал қурилиш, олий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларининг амалга оширилиши йўналишида

1) Капитал қурилиш соҳасида:

- 2022 йил давомида **“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими** орқали ташкил этилган **11 714 та** онлайн электрон тендер савдолари натижасида объектлар бўйича **жами 1,05 трлн. сўм** тежаб қолинди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги **“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**”ги **71-сон** қарори қабул қилинди.

Қарор талаблари асосида **барча турдаги бўш турган** ер участкаларини аниқлаш ва доимий равишда **Yerelektron.uz** га жойлаб бориш **тартиби йўлга қўйилди**;

- Капитал қурилиш соҳасидаги **лойиха-қидирув ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби такомиллаштирилиб**, натижада баҳолаш мезонлари **60 та** кўрсаткичдан **39 тага** камайтирилди.

- **Лойиха-қидирув ташкилотлари** электрон рейтингини юритиш тизими жорий қилинди ва бугунги кунда ушбу рейтинг тизимига **1 385 та лойиха ташкилотлари киритилди**;

- Лойиха ҳужжатларини **экспертизадан ўтказиш** шаффоф электрон тизимга **ўтказилди**, экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан **тўлиқ воз кечилди**. Хусусан, 2022 йилда **жами 26 706 та** объект лойихаси ушбу тизим орқали **экспертизадан ўтказилиб**, натижада мазкур объектлар бўйича **6,7 трлн. сўм** маблағ **тежаб қолинди**. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида **“Экспертиза хулосаларининг ягона реестри”** яратилиб, барча объектларнинг лойиха ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари **электрон базаси** шакллантирилиб борилмоқда;

- Фуқароларга қурилатган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи **“Огоҳ фуқаро” ахборот тизими** ишлаб чиқилди, мастер режаларни ишлаб чиқишда жамоатчилик таклиф ва фикрларини ўрганиб чиқувчи **“Менинг маҳаллам” электрон платформаси ишга туширилди** (mm.mc.uz);

- Қурилиш вазирлиги **Коррупцияга қарши қурашиш менежмент тизимининг ISO 37001:2016 халқаро стандарти** талабларига мувофиқлик сертификатини қўлга киритди.

2) Олий таълим соҳасида:

- ОТМ фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, таълим жараёнини автоматлаштириш йўналишида ишлар давом эттирилди, **113 та** ОТМда **HEMIS** ахборот тизимининг тўлиқ версияси жорий этилди;

- Касбий (ижодий) имтиҳонлар жараёнини **<https://imtihon.edu.uz/>** платформасида онлайн трансляцияси ташкил этилди;

- Имтиҳонлар жараёнида коррупциявий ёки жонли эфирга узатиш тартибига риоя этмаслик ҳолатларига дуч келганда вазирликнинг телеграмдаги **@EduAntiCorruptionBot**га ёки **1006** Ишонч телефон рақами орқали мурожаат қилиш имконияти яратилди;

- Тизимни рақамлаштириш мақсадида **10** дан зиёд **kontrakt.edu.uz, prof-kontrakt.edu. uz, magistr.edu.uz, stipendiya.edu.uz, diplom.edu. uz, adabiyot.edu.uz, kasb.edu. uz, unilibrary.uz** каби электрон платформалари ишга туширилди;

- Талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан коррупциявий ҳолатлар хусусида вазирликка аноним мурожаат қилишни таъминлаш мақсадида **@antikoredu** расмий телеграм боти фаолияти йўлга қўйилди.

3) Соғлиқни сақлаш:

- «Электрон соғлиқни сақлаш» тизими доирасида **22 та ахборот тизими ишлаб чиқилиб**, тиббиёт муассасаларида жорий этилди.
- Тиббиёт муассасалари ходимларнинг ойлик маошлари **15 фоизга** оширилди, юқори малакали ходимларга **қўшимча устамалар** жорий этилди.
- Тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий **бошқарув менежмент тизими** жорий этилмоқда.

VI. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш йўналишида

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 786-сон қонуни қабул қилинди.

- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215⁷-модда билан тўлдирилиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 245¹⁰-моддаси билан тўлдирилиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун мансабдор шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколати берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сон фармони қабул қилинди.

- Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индекси** жорий этилди;

- Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика тасдиқланди.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни ахборот фойдаланувчилари учун қулай тарзда ягона манзилда жойлаштирилиши таъминланди.

Қонунчиликка киритилган тегишли ўзгартишга мувофиқ, бугунги кунда **120 га яқин** давлат органи расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида алоҳида бўлим яратилиб, ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар тизимли равишда эълон қилинмоқда.

Маълумот учун: 2021 йил якунларига кўра 135 та давлат органи ва ташкилотининг фақатгина 50 тасининг расмий веб-сайтида очиқ маълумотлар учун алоҳида саҳифа ташкил этилган эди.

2022 йил давомида Агентлик ҳузурида ташкил этилган “Call-марказ” орқали (**1253**) жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция ҳолати ҳақидаги

2300 га яқин мурожаати қабул қилинган. Фуқароларга белгиланган тартибда ҳуқуқий маслаҳатлар берилган ёки ҳолат юзасидан тезкор ўрганиш ўтказиш чоралари кўрилган.

Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг белгиланган ахборот ресурсларида ўз вақтида ва тўлиқ эълон қилиниши устидан доимий мониторинг қилиб борилди.

Жумладан, **135 та** вазирлик ва идоралар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ эълон қилиш бўйича топшириқлар ижроси ҳолати:

Яхши — 48 та давлат органи ва ташкилоти (80 фоиздан юқори);

Қониқарли — 45 та давлат органи ва ташкилоти (60-80 фоиз);

Қониқарсиз — 42 та давлат органи ва ташкилоти (60 фоиздан паст).

Натижада, бугунги кунда давлат органлари фаолиятига тегишли жами **950 дан зиёд** ижтимоий аҳамиятга молик бўлган очиқ маълумотлар тўпламларини белгиланган ресурсларда жойлаштириб, доимий янгилаб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Агентлик томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларнинг ижро этилишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идораларга **41 та огоҳлантириш, 38 та тақдимнома** юборилди.

Натижада, масъуллар келгусида очиқликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида қатъий огоҳлантирилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилиши таъминланди.

Шу билан бир қаторда, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ ҳамда “ЎзАгроЭкспортБанк” АТБ камчиликларга йўл қўйган масъул ходимлари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Агентлик томонидан давлат органларининг соҳага масъул ходимларини ўқитишга қаратилган семинар-тренинглари ташкил этилиб, **300 дан ортиқ** давлат хизматчиларининг билим ва кўникмаларини ошириш таъминланди.

Давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган “Очиқ маълумотлар” таълим платформаси (<https://data.anticorruption.uz/>) ишлаб чиқилди. Бугунги кунда платформа ўқув моддулари билан тўлдирилмоқда.

Агентлик ва Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан “Очиқ, шаффоф ва ҳисобдор ҳудуд” лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”га мувофиқ, Фарғона вилоятида халқ депутатлари вилоят кенгаши билан ҳамкорликда очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан жамоатчилик эшитуви ўтказилиб, Молия вазирлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ва Марказий банкнинг Фарғона вилояти бошқармаси раҳбарларининг очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

“Йўл харитаси” доирасида вилоятнинг турли ҳудудларида ҳудудий давлат органларининг фаолияти очиқлиги ҳолатидан фуқароларнинг қониқиб даражасини ўрганиш мақсадида **жамоатчилик фикри сўрови** ўтказилди. Унда жами **1087 нафар** респондент иштирок этди.

Сўров натижалари халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши ҳамда тегишли идораларга аниқланган эътирозларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш учун тақдим этилди.

Инновацион ривожланиш, Туризм ва маданий мерос вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Геология, Ўрмон хўжалиги давлат қўмиталари билан биргаликда **“Очиқ, шаффоф ва ҳисобдор вазирлик”** лойиҳалари амалга оширилди.

VII. Халқаро ҳамкорлик йўналишида

2022 йилда Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар коррупцияга қарши курашиш идоралари билан ҳамкорликка оид **3 та** ҳамкорлик тўғрисида Меморандумлар ва **2 та** ҳамкорлик дастурлари имзоланди.

Жумладан, Малайзия, Латвия, Хитой билан **Меморандумлар** ва Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, **Тожикистон Республикаси** Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан **Ҳамкорлик дастурлари** имзоланди.

Халқаро ҳамкорлар билан биргаликда **11 та** семинар, **6 та** тренинг, **3 та** ўқув курслари, ҳамда **2 та** форум, **1 та** давра суҳбати ва **3 та** мулоқот каби халқаро тадбирлар ташкил этилди. Улар қаторида:

- 1. БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Ёшлар ҳалоллиги куни»;**
- 2. БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда «Коррупцияга оид фаолиятда статистик ва таҳлилий маълумотларни шакллантиришдаги муаммо ва ечимлар»** мавзусидаги халқаро давра суҳбати;

3. «II Тошкент халқаро аксилкоррупция форуми»;

Маълумот учун: Форумда АҚШ, Корея, Гонконг, Малайзия, Латвия, Озарбайжон, давлатларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идора вакиллари, шунингдек, хорижий экспертлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, 100 дан ортиқ вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, коррупцияга қарши хавфларни баҳолаш ва комплаенс-назорат тизимини жорий этиш, давлат хизматининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, масалалари муҳокама қилинди.

- 4. «Бизнес — коррупцияга қарши»** мавзусида **мулоқот** ва БМТ ГЖБ, ЕХХТ ва БМТ ТД ташкилотлари ҳамкорлигида **«Ўзбекистон бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик» II бизнес-форуми;**

5. БМТ Тараққиёт Дастури, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида «Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институти вакилларининг иштироки: муаммо ва ечимлар» мавзусида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан мулоқот ташкил этилди.

Бундан ташқари халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида кўйидагилар амалга оширилди:

1. БМТ ТД ва Кореянинг Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссияси билан ҳамкорликда давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини баҳолаш бўйича платформа ва методология ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди;

2. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда **давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари бўйича давлат хизматчилари билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида махсус платформа ва ўқув курслари** ишлаб чиқилди;

3. Европа Кенгаши экспертлари кўмагида давлат органларида комплаенс-назорат тизимини жорий этиш ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш масалалари бўйича **2 та ўқув дастурлари** ишлаб чиқилди;

4. БМТ ТД билан ҳамкорликда фуқароларга коррупциявий ҳолатлар тўғрисида Агентликка тўғридан тўғри хабар бериш имкониятини яратувчи **веб-сайт ва мобил илова** ишлаб чиқилди;

5. БМТ ТД билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги янгиликларни ёритиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда халқаро ҳамжамиятга мамлакатимиздаги ислохотларни тўлақонли етказиш мақсадида **чораклик онлайн Anti-Corruption Digest журнали ишга туширилди** в.б.

Халқаро рейтинг ва индекслардаги натижалар

1. “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индекси (+14 *поғона*)

Барқарор ўсишига эришилган (*2018 йилда 158 ўрндан 2022 йилда 126 ўрингача*).

2. “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индекси (+4 *поғона*).

Коррупциянинг мавжуд эмаслиги йўналишида 0,47 балл билан 66 ўринни эгаллаган.

3. “Trace Matrix” порахўрлик матрицаси (+16 *поғона*).

2021 йилда 59 балл билан (*1 баллдан 100 баллгача баҳоланади, 1 балл – энг ижобий*) 147-ўрндан 2022 йилда 58 балл билан 131-ўрингача кўтарилган.

4. Open Data Inventory” очик маълумотлар рейтингда (+123 *поғона*).

2020 йил натижаларига кўра 63 балл билан 45-ўринни эгаллаб келмоқда.

Австрия, Франция ва АҚШда бўлиб ўтган халқаро тадбирларда иштирок этилиб, уларда юқори даражадаги шахсларнинг иштирокида коррупцияга қарши сиёсатни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, БМТ коррупцияга қарши Конвенцияси ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасида мамлакатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар халқаро ҳамжамиятга етказилди.

VIII. ННТ ва Жамоатчилик билан ишлаш йўналишида

Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қуйидаги **3 та** йўналишда амалга оширилди.

1. ННТларни бу жараёнга фаол жалб этиш ва уларни рағбатлантириш.

Агентлик буюрмасига асосан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан **2 та** мавзуда **500 млн** сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан:

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилоятларида **150 дан ортиқ** журналист ва блогерлар учун тренинглар ташкил этилди.

“Ижтимоий фикр” маркази билан ҳамкорликда жорий йилнинг апрель-май ойида республика бўйича **1100 респондент** билан Коррупция ва коррупциявий ҳолатларнинг жамият ҳаётига тарқалганлик даражаси комплекс тадқиқот ўтказилди.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда грант ва ижтимоий буюртмалар эълон қилиниб, мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар билан ҳамкорликда **9 та** лойиҳа учун **70 минг** АҚШ доллари ажратилди.

Ғолиб бўлган ННТларнинг аксарияти ҳудудларда (11 та ННТнинг 5 таси Сирдарё, Фарғона, Навоий, Бухоро вилоятларида) фаолиятларини олиб боришди.

Лойиҳалар натижасида аёллар ва ёшларнинг коррупцияга оид билимлари оширилди, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун қўлланмалар, Аксилкоррупция комикслар тўплами, олий таълим муассасасида коворкинг маркази тайёрланди.

2. ННТларни коррупцияга қарши курашиш жараёнларида билим ва кўникмаларини ошириш бўйича.

Коррупцияга қарши курашиш, унга муросасизлик кайфиятини шакллантирувчи ННТлар, журналистлар, жамоатчилик фаоллари учун **3 та** семинар-тренинг ташкил этилди ва унда **120 дан ортиқ** иштирокчи қамраб олинди.

Хусусан, 15-16-июль кунлари “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва фаоллигини ошириш” мавзусида **30 дан ортиқ** ННТ, ОАВ ва жамоатчилик фаоллари иштирокида тренинг ташкил этилди.

13 сентябрь куни коррупцияга қарши курашиш йўналишида ижтимоий буюртмаларнинг амалга оширилиши мавзусида амалий машғулот ташкил этилди.

5 декабрь куни “Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институти вакилларининг иштироки: муаммо ва ечимлар” мавзусида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди.

3. Ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш.

“Юксалиш” ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда **Антикоррупция лабораторияси лойиҳасини амалга оширилди.**

“Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишда ва уларнинг фаолиятида ноҳалоллик хавфи омиллари” мавзусида ўрганишлар ташкил этилди.

7 та ҳудуддаги туман мактабгача таълим бўлимлари, ҳокимликлар, банклар вакиллари, давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан сўровлар ўтказилди. Тадқиқотда давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасалари учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда тадбиркорларнинг **25 фоизи** ариза бериш тартибини мураккаб, **17 фоизи** шаффоф эмас, **10 фоизи** ўта бюрократик деб атаган.

Сўров натижалари асосида қонунчиликни ва тизимни такомиллаштириш учун тегишли таклифлар ишлаб чиқилди

U-Report лойиҳаси билан ҳамкорликда **11 000** дан ортиқ ёшлар иштирокида сўровнома ташкил этилди.

31 фоиз ёшлар коррупция ҳолатига дуч келса қаерга мурожаат қилишни билмаслигини, ислоҳотлар тўғрисида фикр билдирганларнинг **30 фоизи** коррупциявий ислоҳотларни ўрта даражада самара бераяпти, янада фаоллаштириш керак, **18 фоиз** самарали деб жавоб беришган коррупцияга асосий сабаб сифатида эса одамларнинг очкўзлигини (24 %), жазонинг муқаррар эмаслигини (15 %) сабаб сифатида кўрсатишган.

Миллий ва ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорликш йўналишида:

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши фаолияти мувофиқлаштириб борилди ва Миллий кенгашнинг **2 та** йиғилиши ташкил этилди.

Ўтган йиғилишларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ҳамда соҳалар ва ҳудудлар миқёсида превентив чораларни кучайтириш, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган иш режалари қабул қилиниб, ўларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси ҳамда Давлат харидлари ва Соғлиқни сақлаш соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан масъул раҳбарларнинг **ҳисобот (ахборот)лари эшитилди;**

Аксилкоррупция сиёсатида оид ислоҳотларнинг жойларда самарали татбиқ этиш борасидаги ишлар аҳволини таҳлил қилиш мақсадида **14 та** ҳудудда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгашининг жойларда соҳалардаги коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш, келиб чиқиш сабабларини олдини олишга қаратилган **эшитувлар** ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари учун август-декабрь ойлари давомида коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари фаоллигини ошириш, жойларда коррупциянинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида тизимли равишда семинар машғулотлари ташкил этилди.

2 декабрь куни Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари учун ҳудудий кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, кенгаш масъул котиблари ва бошқа аъзоларининг кенгашлар фаолиятини тўғри ташкил этишга оид кўникмаларини юксалтириш, ҳудудий кенгашлар ўртасида тажриба алмашиш, ўзаро мулоқотни яхшилаш ва йўл қўйилаётган камчиликларни ҳамкорликда бартараф этиш мақсадида семинар ташкил этилди.

IX. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимини ошириш, шунингдек ҳуқуқий тарғибот йўналишида

Давлат хизматчилари, фуқаролик жамият институтлари, ОАВ вакиллари учун **80 дан ортиқ** ўқув курслари, семинар, тренинглар ташкил этилиб, унда **15 мингдан ортиқ** давлат хизматчилари, уларнинг раҳбарлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари коррупцияга қарши курашиш йўналишида малакаси оширилди

Ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида чоп этиладиган **“Uzbekistan Anti-Corruption Digest”** электрон журнали таъсис этилди ва **2 та** сони тайёрланди.

“Коррупция ҳеч кимни четлаб ўтмайди”, “Ўзбекистонда коррупцияни енгиш мумкинми?”, “Коррупцияга имкон берманг” каби мавзуларда **9 та** видеоролик тайёрланди.

Давлат хизматида коррупциянинг олдини олишга қаратилган **“Виждон саратони”** ҳужжатли фильми ва **“Талваса”** бадиий фильми тайёрланишида иштирок этилди.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида **“Korrupsiyasiz jamiyat”** телеграм канали ишга туширилди.

Вазирлик ва идораларда ташкил этилган **90 та семинар, давра суҳбати ва учрашувларда** Агентлик ходимлари коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги маърузалар билан иштирок этди.

“9 декабр – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган **Аксилкоррупция ҳафталиги** доирасида **18 та** давлат органлари ва ташкилотлари **“Очиқ эшиклар куни”** тадбирлари ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари томонидан ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган **“Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз”** мавзусидаги иншолар танлови бўлиб ўтди.

Танлов республиканинг **200 дан** ортиқ туман шаҳарларида умумий ўрта таълим мактабларининг 8–11 синфлари, лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ташкил этилди.

Танловларда якуний босқичда ғолиб бўлган жами **84 нафар** ёшлар ташкилотлар томонидан рағбатлантирилди.

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан аҳолини хабардор қилиб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий ОАВ, ижтимоий тармоқларда **1 840 дан зиёд** материаллар эълон қилинди.

“Тошкент” телеканали билан ҳамкорликда, **“Тафсилот_кун мавзуси”** кўрсатуви, “Менинг юртим5” телеканали билан ҳамкорликда **“Стоп, коррупция”** номли телелойиҳа эфирга узатилди.

Коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси эканлигини кенг тарғиб қилиш мақсадида **“Ҳалоллик вакцинаси”** номли кўрсатув тайёрланди.